

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҰМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 65 (65941)  
1996 йил, 7 сентябрь, шанба

Сотувда эркин  
нархда

## ЮРАКДАГИ МАНЗАРАЛАР

Истиқлол шарофати билан халқимизнинг яшаш тарзи фаровонлиги учун турли имкониятлар очилди. Айниқса келажакимиз бўлмиш болажонларга эътибор кучайди. Таълим — тарбия муассасаларида миллий қадриятларимиз маданиятимиз, маънавийтимизнинг буюклиги ҳар томонлама ёш авлод қалбига сингдириш кучайтирилди.

Юртбошимиз Исом Каримов 4 сентябрь кuni «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази раҳбарияти ҳамда бошқарув аъзолари билан учрашди.

Президентимиз барча йиғилганларни мустақиллигимизнинг беш йиллиги байрами билан қизгин қутлади. Яқинда нишонланадиган буюк соҳибқирон Амир Темур 660 йиллигини ҳам худди шундай кутаринки руҳда умумхалқ байрами сифатида ўтказиш республикадаги барча зиёлиларнинг шарафли бурчи эканлигини таъкидлади.

Неча йиллар зулм ва таъқиқ исканжасида жафочеккан миллий қадриятларимиз, тарихимиз, гузал анъаналаримизнинг тикланиши мамлакатимиз ҳаётида катта воқеа бўлди. Албатта, бунда адабиёт ва санъат намоёндалари, маданият арбобларининг муносиб хизматлари бор.

Юртбошимиз сўхбатда фарзанд тарбияси ҳақида тўхталиб: «Болалар билан ишлаш ниҳоятда мураккаб, масъулиятли эканини билман. Республика ҳукумати, юртимиз, мустақиллигимиз келажак бўлган фарзандларимизнинг қомил инсон бўлишлари учун барча имкониятларни, зарур шарт-шароитларни яратади. Албатта бу соҳада сизларнинг иштирокингиз, ҳиссангиз беқиёс бўлади: дея йиғилганларга катта ишонч билдирди.

Маънавиятга, айниқса улғайиб келаётган болалар маънавиятига жиддий эътибор ва талабчанлик билан ёндашган жамиятгина ўзининг нузли келажакини беҳавотир яратиши мумкин.

Ўзининг эртасини яратиш ишқида ёнаётган озод Ватанимиз болаларининг юрагидаги манзаралар: эътиқод, садоқат, имон, меҳр туйғулари барқарор бўлсин.

Барча билим масканларида бўлгани каби биз таҳсил оладиган А. Навоий номи нафис санъат лицейида ҳам ҳаяжонли биринчи кунги оқ овози янграб, укучиларни уз бағрига чорлади. Биринчи дарсимиз Мустақиллик дarsi булди. Устозимиз қўлларида бир даста китоб, давлатимиз гимни, мадҳи, герби акс эттирилган рангли плакатлар кўтариб кириб келдилар. Уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида тўхталиб, изоҳ бердилар. Ватан, истиқлол, миллий гурур, маънавий қадриятларимиз, бурч ва масъулият ҳақида узоқ гапирдилар. Яна «Ўзбекистон» нашриятининг Президентимиз И. Каримовнинг «Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», «Биздан озод ва обод Ватан қолсин», «Ватан сажлагоҳ каби муқаллас-

## БОБОМИЗ КИТОБЛАРИ

дир», «Бунёдкорлик йулидан» деб номланган асарлари босмадан чиққани ҳақидаги хушxabарни ҳам уртоқлашдилар. Уларнинг айтишларича, бу китобларда Ўзбекистонимизнинг беш йилда босиб ўтган йули еритилиб, давримизнинг энг юқори ижтимоий-сиёсий фикрлари жамланган экан.

Диеримиз тараққиёт йулидан илдам одимляпти, ҳар кuni юзлаб ижобий узгаришлар буляпти. Дилни қувончга тўлдирувчи янги-янги хушxabарлар таралаяпти. Дарсликлар билан чегараланиб қолмай ўқиган сари ўқигимиз, янада қушроқ билгимиз, мамлакатимизда кечаетган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий жараёнлар моҳиятини англаб етгимиз келади. Биз ёшлардан замон талаби ҳам ана шундай!

Дилафрўз РАХИМОВА.


## Тошкентда Олимпия шон-шухрати музейи очилди

### «ОСИЁДА ЯККА У, БУ ЭРТАК ЭМАС, БОЛАМ»

Кекса полвон Ҳожимурод бобо хузурига аллақандай юмуш билан киргандим. «Ҳа, Осиёда якка у, бу — эртак эмас, болам» дедилар одатдаги ҳаёлпарастликлари билан ҳаяжонда. Мен уларнинг қўлларида газета курдим, гап нимада эканлигини дарҳол тушундим. Чунки кекса спорт устасини Тошкент Олимпия шон-шухрати музейи очилганлиги беҳад шодлантириши турган гап эди-да.

— Бу тўғрида бундан олти-етти йил аввал уйлаш ҳам кулгили эди, — деди отахон.

— Қара, бизнинг Президентимиз ўзига Халқаро Олимпия қўмитасининг Олтин ордени топирилгандаёқ шундай музей ҳақида орзу қилган экан. Ушанда «бу орден Ўзбекистон халқиники ва у янги очилаётган музейдан



жой олади» деган экан. Бу ҳақиқий халқпарварлик, ватанпарварликнинг узи.

Кекса полвоннинг фахри билан айтган сузлари таъсирими ёки бошқа сабабми, уша мақолани қайта-қайта ўқиб чиқдим. Укаларим, дустларимга ҳам айтдим. Айниқса менда Халқаро Олимпия қўмитаси Президенти Хуан Антонио Самаранчнинг айтган гаплари катта таассурот қолдирди. У: «...бу музей жаҳондаги энг яхши олимпия музейларидан биридир ва у Лозаннадаги Олимпия музейини ҳисобламаганда, дунёда биринчи уринда туради. Қолаверса, мен уни Лозаннадаги музей билан тенгма-тенг қўйган булардим» деди Сама-

ранч жаноблари.

Шунингдек Олимпия шон-шухрати музейи билан Лозаннадаги Халқаро олимпия шон-шухрати музейи уртасида узаро ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим имзоланиши келишилгани, бу сингари ютуқлар келажакда Тошкентимизда ҳам Олимпия уйинларини утказиш имконини бериши ҳақида ҳам билиб олдим.

Ҳа, Ватанимизда ҳар кuni чиндан ҳам қувонса арзийдиган воқеалар юз бермоқда. Улар келажакимизнинг ҳақиқатдан ҳам буюклигидан нишона.

Сирож АЛИМОВ,  
Тошкентдаги 217-мактаб  
ўқувчиси.

## ЮБИЛЕЙ ТАНГАЛАРИ

Бутунги кунда соҳибқирон бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига катта тийёргарлик курилаётгани сиз болаларга ҳам яхши маълум. Бундай хайрли ишлардан бири Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ушбу муҳим санага бағишлаб 100 сумлик икки хил юбилей тангаси чиқарилди. Оқ ва сариқ рангли бу тангаларнинг олд томони марказида от минган соҳибқирон тасвирлаган. Айлана бўйлаб латин алифбосида «Амир Темур 660 йил» деб ёзилган. Орқа томонида юртимиз герби тасвирланган.

## ҚИРГИЗИСТОНЛИК МЕҲМОН

Юртимизга қушни Қирғизистон республикаси Бош вазири Анас Жумагулов ташриф буюрди. Уни мамлакатимиз бош вазири Уткир Султонов кутиб олиб, иккала давлат уртасида барча соҳалардаги ҳақорликни авж олдириш хусусида суз борди. Узаро музокаралар давомида Бош вазирлар икки мамлакат уртасида ишлаб чиқариш кооперацияси халқаро автомобиль алоқаси, ҳаво алоқаси, электр ва почта алоқалари соҳаларида ҳамкорлик қилиш юзасидан битимлар имзоланди.



БИР  
ҲАФТА  
ЯНГИЛИКЛАРИ

Китобни тескари ушлаб олган кичкина Сардор опачаси Назокатой олдига келди.

— Вой узимнинг укажоним, келдингми, эртак уқиб берайми? — эркалатди Назокат қороз ва қаламини бир четга суриб.

Сардор илжайиб тасдиқ ишорасини қилди.

Би-ир бор экан... Шундай қилиб паҳлавон Сардор душманни уз шаҳри остонасига йулатмабди.

— Қиличи мана бундай ка-атга, оёгидаги, бошидаги кийимлари ҳам темирдан эканми, юзигаям кузлари бор темир кийиб олганми? — сурайди у кузларини катта-катта очиб.

— Ҳа-да, — жавоб беради эртакчи, — сунг давом этади:

— Ана шунда хурсанд булган одамлар «Яшасин паҳлавонимиз Сардоржон, у ҳамма болалардан ҳам яхши, ақлли, туполон қилмайди, куп-куп овқатлар ейди, богчагаям йигламай боради» дейишибди.

— Асал, Севараларни ҳам яхши бола дейишибдими?

— Ҳаммани. Бобоси ҳам, бувиси ҳам ундан хурсанд булшаётганмиш, — жавоб беради Назокат.

Болалар шифокори Наргиза опанинг ишдан қайтиши икки кичкинтойнинг суҳбатини булиб юборди.

## КИМ БЎЛМАСИН ВАТАНПАРВАР У...

— Ойижон, китобда мен ҳақимда ёзишибди. Катта булсам, катта от топиб минаман, ҳалиги катта қиличим ҳам булади, — мақтанди Сардор.

— Уйларни супурдим, идиш-товоқларни ювдим, овқатта нарсаларни арчиб, тайёрлаб, бувимларга қарашдим, — онасини хурсанд қилмоқчи булади Назокат.

Наргиза опа фарзандларини эркалаб, мақтай-мақтай уйга кириб кетди...

Кечки овқатдан сунг бобоси Махкам ака Қучқоров набирасини ёнига чақирди.


— Онасининг ерданчиси, ҳадемай ҳамма ишини қулидан оладиган ақлигим!, — деди.

Бувиси Моҳира опа эса катта қизларга гапираётгандай секин деди: «Назокатой, ҳар доим уй супураётганинда гиламларнинг четини кутариб остини, бурчак-бурчакларни қайта-қайта супургин, тоза булсин, супургини ерга қаттиқроқ ботириб супуриб, яхши булади. Шифтларни куздан кечирини ҳам хаёлингдан чиқмасин, туни билан битта ургимчак юрса ҳам уч-туртта ип осилтириб қўяди. Ис пайдо булган хона бехосият булади. Пиёз арчганинда бошини қалинроқ олишинг керак булади.

Бувисининг гапларини қулогига қўйиб олган қизалок, чизган суратларини курсатди ва албатта мақтов эшитди.

Назокат Маҳкамова ҳозирча келгусида ким булиши ҳақида уйлаб қурган эмас, лекин ким булмасин, у мустақил, озод юртнинг ҳақиқий ватанпарвари булиши аниқ.

Дилдора ЖҰРАЕВА.



Суратдаги болакайга боқиб, уни қасрдадир қурганман, деб уйлаётгандирсиз? Эсладингиз-а, яқинда ойнаи жаҳон орқали намойиш этилган «Уз-

чоғимдан куй чаламан» дея катталардек жавоб қайтарган Даниилнинг сузларига сиз ҳам бир қулоқ тутинг-а.

— Мусиқага ихлос қўйишимда дадам ва ойимнинг

рибам ортганиданми, узимни анча дадил тутиб, концерт бердим.

1995 йили Англияга қилган сафарим айниқса, ёдда қоғаларли булди. Иегуди Мен-

вақтларингда қандай машгулотлар билан банд буласан?

— Компьютер уйинларини яхши қўраман. Яна сингилчам билан хиёбонда сайр қиламан, велосипед учаман. Чиройли манзараларни, баланд тоғларни, суви шарқираган дареларни гуллар билан тўлиб тошган тепаликларни томоша қилишни хуш қўраман.

— Келажакдаги орзуларинг қандай?

— Президентимизнинг менга булган ишонч ва ғамхурликларини оқлашни, келгусида зур мусиқачи булишни орзу қиламан.

1994 йилда улуг мутафаккир бобомиз Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллик туйи арафасида республика истъодли ёшларни қўллаб-қувватловчи Улуғбек жамғармаси томонидан «Истъодларни излаймиз» курик-танлови эълон қилинган эди. Ранг-баранг концерт дастурлари, ҳамда ҳалқаро фестиваллардаги иштироки учун Даниил ҳам курик-танлов голиблари сафига қўшилди. Утган йили унга Президент Ислом Каримовнинг махсус стипендияси топширилди.

Биз эса Даниилнинг ҳаётида бу йил ҳам узига яраша унутилмас муваффақиятлар йили булиб қолишини, мустақил юртимиз шухратини жаҳонга таратишдек юксак орзулари ижобат булишини тилаб қоламиз.

Назокат УСМОНОВА.

Гўзаллик оламида

## ҚҰШИҚЛАРДА ВАТАН СЕҲРИ

Яқинда Қарши шаҳрида Халқ дасталари ҳамда ҳаваскорлик жамоаларининг курик-танлови бўлиб ўтди. Республикамиз Мустақиллиги, соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилган ушбу беллашувда Усмон Юсупов туманидаги «Гўзал» ашула ва рақс дастаси голиб чиқди. Яккаҳон хонандапар Бахтиёр Шомуродов, Саидмурод Бердиев, Мафтун Отамуродов ижро этган қўшиқларда она Ватан сеҳри борлигига амин бўлдик. Жамоанинг рақоса қизлари халқ қўшиқлари ва папарларини маҳорат билан ижро этишди.

Голиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Файзулла ЭШҚУЛОВ.

## «МУСИҚА ЭРТАККА ЎХШАЙДИ»



бекистон — Ватаниманим» республика қўшиқлар курик-танлови иштирокчилари ижросидаги катта концертда қургансиз. Ушанда 12 ёшли мусиқачи Даниил Ҳолиқовга юртбошимизнинг махсус совғаси — машҳур итальян устаси Пьетро Лоренцо Вангелистининг 1760 йилда ясаган скрипкаси топширилди. Утқир зеҳли, ноёб қобилиятли Даниилнинг сузларига қулоқ тутсангиз, ёш бола билан эмас, худди катта одам билан суҳбатлашгандек буласиз.

— Неча ёшиндан мусиқа чаласан? — деган саволимизга «Болалигимдан, 5 ёшли

таъсирлари катта булган. Чунки иккиси ҳам мусиқачи, ойим моҳир пианиночи, дадам эса «Туркистон» саройи қошида ташкил этилган жаз гуруҳида ишлайдилар.

— Қайси композиторлар асарларини ёқтирасан?

— Бах, Брамс асарларини, умуман мусиқани севаман. Чунки у сеҳрли эртакка ўхшайди. Мусиқа тингласам, ажойиб эртак тинглагандек завқланаман.

— Ижодий сафарларинг ҳақида ҳам гапириб бер.

— Биринчи марта Қозоғистонда ижодий сафарда булганман. Ушанда жуда ҳаяжонлангандим. Кейинчалик Германия, Туркия, Англия каби давлатларга бордим. У ерларда бизни жуда яхши қарши олишди, ижроимизни тинимсиз олқишлаб, далда бериб туришди. Шунданми, ё таж-

ухин халқаро мусиқий курик-танловида қатнашдим. Курикда дунёнинг жуда куплаб мамлакатларидан скрипкачи тенгдошларим иштирок этишди. Мен жаҳонга машҳур композиторларнинг бир неча асарларидан намуналар ижро этдим. Куй ниҳоясига етгач, томошабинлар қизгин олқишлаб, яна қайта ижро этишимни сураганлари ҳечам ёдимдан чиқмайди. Қарсақлардан руҳланиб кетиб, аввалгисидан ҳам яхшироқ ижро этдим, назаримда. Танлов якунида ҳайъат аъзолари мени халқаро курикнинг совриндори, деб эълон қилганларида суюнганимни айтмайсизми?!

— Куплаб сафарларда булар экансан, қайси шаҳар сенга купроқ ёқди?

— Сафарга борган дастлабки кунларим узга шаҳарларни зур қизиқиш билан томоша қиламан. Лекин орадан икки кун утар-утмас, уз уйимни, Ўзбекистонимни соғиниб қоламан. Тезроқ концертлар тугаса-ю, уйга кетақолсам дейман. Ҳамма шаҳарлар ҳам узига яраша чиройли, яхши. Лекин Тошкентимизга стадигани йўқ!

— Мусиқадан ташқари яна нималарга қизиқасан? Буш

## Устоз минбари

Қадим шарқнинг буюк алломаси Абу Али ибн Сино: «Ахлоқ ҳар бир кишининг узини узи идора қила олиш илмидир. Бу илмни эгаллаш уз-узидан бўлмайди, балки унга куникма ҳосил қилиш натижасида, эътиқод воситасида эришилади», — деган эдилар.

Инсон камолоти учун сув билан ҳаводек зарур булган куникма ва восита аввало оила, мактабда шаклланади. Давлат томонидан ижтимоий ҳимояга олинган оила худди мактаб каби тарбия учоғидир. Шунинг учун ҳам биз мактаб ва оила ҳамкорлигига катта эътибор бермоқдамиз. Туманимиздаги 2-, 5-, 15-мактабларнинг бу соҳада эришадиган ютуқлари мақтовга сазовордир. Мактаб дастурига киритилган фанларнинг ҳаммаси муҳим. Лекин менинг назаримда адабиёт ва тарихни изчил урганиш болаларда мустақил фикрлаш қобилиятини кўпроқ камол топтиради. Уқувчиларда ҳаётий воқеа-ҳодисаларни билишга, одамлар ва уларнинг руҳиятини англашга эҳтиёж туғилиши билан адабиёт ва тарихни англашга қизиқиш пайдо бўлади. Шу жараёни эътиборга олган ҳолда, биз туман тарихи, унинг ҳаётида чуқур из қолдирган машҳур шахслар фаолиятини урганиш мақса-

лида алоҳида дарс соатлари ташкил қилганмиз. 5-, 17-, 56-мактабларда тарих музейлари ташкил этилган. Бу йил туманимизнинг 70 йиллик туйини нишонлаймиз.

Шу улуг тантана арафасида «Чулпон» нашриёти «Миллат фидойилари» рукни остида туманимизнинг ҳақиқий ватанпарварларидан бири булмиш Марди Султо-

чи—95» мусобақасида туманимиз вилоятда 2 уринни олганди.

Мустақиллик гуфайли халқ маорифи тизимида жиддий узгартирилган руй бермоқда. Кейинги йилларда вужудга келадиган лицей, гимназиялар маорифимизнинг янги тоифадаги билим даргоҳларидир. Биз ҳам туманда математика, фи-

Бу ютуқларнинг барчаси Каттакўрғон маорифи ва маърифатининг курки, фахридир. Шу уринда мени бир муаммо уйлантиради. Лицейларнинг номи, узи бору лекин улар учун алоҳида дарсликлар етарли эмас. Бугунги кунда мактаблар ҳам, лицейлар ҳам уз муаллифларимиз томонидан ёзилган замонавий талабларга жавоб бера-

соҳада амалга оширган ишларимиз, тайёргарлигимиз етарли эмас. Таълим ва тарбияни уйғунлаштириш, шарқ ва ғарб педагогикасининг энг илғор тажрибаларини урганиш, улардан кенг ва самарали фойдаланиш, уқувчиларни мустақил фикрлашга, воқеаларни жиддий таҳлил қилишга, унинг маъзани илғаб олишга, ургатишга ҳаракат қилишимиз. Туман ҳокимияти, туман газлаштириш идораси сингари ҳомийларимиз бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқдалар. Дарсларни қизиқарли бўлиши, фикр алмашиш, амалий тажрибалар асосида утилишини урганишимиз. Чўнки уқувчи иқтидори ва қобилияти уларнинг узлари қизиққан соҳага йўналтиришнинг узи ҳам катта маҳорат талаб қилади. Уқитувчи эса уқувчидаги ана шу истиснодони сезгирлик билан илғашади, замон талаб даражасида билим бериши шарт деб ҳисоблайман.

**Файзулла МУҲАММАДИЕВ,**  
**Каттакўрғон тумани Халқ таълими бўлими мудири.**

ИЛМНИ ЭГАЛЛАШ ҲАМ  
ҲАМКОРЛИК

нов ҳақидаги китобни чоп этди. Каттакўрғонлик ёш ижодкор Фаррух Ҳамроев қаламига мансуб бу асар бизнинг қўшалок байрамимизга муносиб тўхта булди. Шунингдек, каттакўрғонлик кекса маорифчи-олим Иззат Бекмуродовнинг «Каттакўрғон, кеча ва бугун» асари туманимиз тарихининг янги саҳифалари билан бизни таништиради.

1995 йилда вилоят «Йил мактаби» қўрик-танловида туманимиздаги 5-мактаб жамоаси биринчи уринни эгаллашди. Ҳатто, республика танловиди ҳам бизга совринли урин насиб этди. «Уқитув-

зика фанларига ихтисослашган лицей-интернат ташкил қилдик. Унда асосий машғулотларни тажрибали педагоглар олиб боришмоқда. Иқтидорли уқувчиларнинг уз устларида ишлашлари, изланишлари учун барча шароитлар яратилган. Утган йили 17-мактаб уқувчиси Шухрат Ҳолиқов республика ёш ҳуқуқшунослар олимпиадасининг голиби булди. Еки 20-мактаб битирувчиси, бугунги кунда ТошДУ журналистика куллисининг 1-курс талабаси Гулжамол Асқарованинг ажойиб шеърлари республика матбуотида тез-тез босилиб турибди.

диган, сифатли қоғозда чоп этилган, дид билан безатилган қўлланма ва дарсликларга жуда муҳтож.

Туманимизда мунтазам равишда йирик олимлар, таниқли шоир ва ёзувчилар, журналистлар, санъаткорлар билан учрашувлар, турли мавзуларда кечалар, тарбиявий соатлар утказиб турилади. 30-урта мактабнинг зехни уткир уқувчилари шу йил «Уйла, изла, топ» республика мусобақасининг голиби булдилар.

Бугунги мактаб уқувчиларининг савияси, билим даражаси жаҳон андозаси талабларига жавоб берадими? Менимча, ҳали бизнинг бу

КИМ БИРИНЧИ?

«БИР ШИРИНЛИК  
ТАЙЁРЛАЙКИ, ТОТИ  
ОФИЗДА ҚОЛСИН»

— Қизим, дастурхон учун бирор нарса тайёрлаб берсанг, кўшнининг туйига кириб чиқардим.

«Хуп» дедиму тезгина Нодиранинг олдида кирдим.

— Лицейда урганган хунарларингдан ургат, сингилжон, туйдагилар лол қолсин, — дедим ҳазил билан.

— Хуп опагон, иккаламиз бир ширинлик тайёрлайликки, мазаси огизда қолсин, — деди у ҳам жилмайиб.

Орадан ҳеч қанча вақт утмай Нодира

узи ном куйган «Хандон» деб номланган мағизли конфетни тайёрлаб, чиройли қутичада олиб чиқди.

Унинг идишга жойлаштирилиши, мазаси, мана ман деган хориж қандолатпазлариникидан қолишмасди.

— Нодира тушмагур жуда экану, бу хунарни қасрда урганибди? — қизиқдилар ойим.

Мен уларга уз билганларимни ҳикоя қилиб бердим.

Нодира уқитган ва хунар урганаётган миллий хунар-

мандчилик лицейи Акмал Икромов туманида жойлашган. Лицей директори Шоносир ака Муродовнинг айтишларича бу ерда дурадгор ёғоч уймакор, тикувчи попопчи, ошпаз-қандолатчи, зардузлик ва бошқа касблар ургатилад экан. Ушбу даргоҳ республикада ягона бўлиб, ЮНЕСКО руйҳатига тушган. Уқиш муддатлари 6 ой, 1 йил, 2 ва 3 йил. Уқувчиларга 650 сум стипендия берилди. Болаларнинг узлари эшик-ромлар, чинни буюмлар, темир панжара ва эшик сингари буюмлар тайёрлашмоқда. Утган уқув йилида уқувчиларнинг узлари 4,5 миллион сумлик даромад қилдилар.

Ушбу уқув йилидаги ниятларимиз ҳам анчагина. 1,5 миллион сумга компьютер сотиб олмақчимиз. Кичик ва урта бизнесга асосланган гуруҳ очиб ниятидамиз.

**Муҳаббат МАКСУДОВА.**

## ҲАМКОРЛИК

Уйга кирдим-у остонада тўхта қолдим. Шундоқ оёғим остида тўкилган сут, атрофида эса пиёла синиқлари, қошиқлар сочилиб ётарди.

— Бу ерда ким бор? Ким бор ахир?

Хона эса остин-устин. Фақат стол устидаги гулдастагина жойидан қимирламай бус-бутун турарди. Барча бесарамжонликнинг айбори менинг назаримда мана шу гулдаста экандек туюлди.

ЖОНЛИ  
ГУЛДАСТА

Мен ҳаммаёқни обдон қарадим. Бироқ, печка остида ҳам, устида ҳам, шкаф ичида-ю стол остида ҳам ҳеч ким йўқ эди.

Бирдан... менга кимдир тикилиб тургандек туюлди. Шунда тушундимки, шу гулдаста мендан «куз» узмасди.

Хушимни йигиб улгурмасимдан, бирдан у чайқалиб кетди. Гулдон пастга қулаб тушди. Қандайдир қора ва қуринмас гул эса танасини ёйдек эгиб, думини ҳавода силкитганича стол устидан дераза дарчасига сакради.

Қани, болалар топинларчи? Бу қуринмас нарса сизнингча нима бўлиши мумкин?

**Ю. КОВАЛдан**  
**Манзура**  
**УБАЙДУЛЛАЕВА**  
**таржимаси.**

Ернинг табиий йулдоши— Ой ёруғлиги бизга 1,25 сонияда етиб келади

\*\*\*

Ойга парвоз этаётган коинот кемасининг 1 километр масофа босиши учун 0,1 сония кифоя.

\*\*\*

Катта ёшдаги одам 100 та суз талаффуз этиши учун 20 сония вақт етади.

\*\*\*

Бемор одам баданига санчилган игнанинг оғирлиги 0,02 сонияда сезилар экан.

\*\*\*

Асалари қанотларини бир маротаба силкитиши учун 0,005 сония кифоя. Шунга мувофиқ асалари бир дақиқа ичида 12 минг маротаба қанот қоқар экан.

## ЛАҲЗАЛАР ҚИММАТИ

\*\*\*

Сичқон юраги бир дақиқа давомида минг маротаба уради.

\*\*\*

Одамнинг энг узоқ туш кўриши 45 дақиқа давом этиши мумкин.

\*\*\*

1909 йилда француз Луи Блерно Ла-Манш бугозидан 37 дақиқада учиб утди.

\*\*\*

64 километрлик масофани чипор сиртлон бир соату 10 дақиқада югуриб ута олади.

\*\*\*

Рентген нурларини амалиётда қўллаш учун 14 кун кифоя қилган эди. Рентген нурларини ёрдамида илк бор жарроҳлик муолажасини утказиш учун ҳам шунча кун сарфланди.

\*\*\*

Асримиз урталарида Атлантика океанини энг сунгги йуловчи кемалари 5 кун давомида сузиб утадилар. Ваҳоланки, Америкалик биринчи кучманчилар океанни «Мэйфлауэр» пароходида 55 кун ичида сузиб утган эдилар.

\*\*\*

Кузатишларга қура, купчилик кишиларнинг бирга уқиган кишилар номи ва қуринишини унутиши учун уртача 22 йил керак булар экан.

\*\*\*

Олимларнинг ҳисоблашича, ҳозирча радиоактив чиқиндиларнинг бутунлай зарарсиз бўлиши учун 6 аср керак, Плутон — 239 моддасига эса бунинг учун 500 минг йилча вақт керак экан.

**Тўпловчи: Ф. ОРИПОВ.**

**ДАВОМИ. БОШИ ЎТГАН СОНЛАРДА.**

Шундай қилиб, биз кечки пайт уйга қайтдик. Ота-онам ҳали ишдан қайтмаган эди. Мен яна чой қуйдим. Кечани овқатни илтдим. Тоғам буюртмаси кук чойни босиб-босиб ичди-да, тагин уйга сиграётган каби балконга чиқиб утирди.

— Жиян!  
— Лаббай.  
— Бу, анави иморатдаги одамлар худди инларидан бошпани чиқариб турган қушларга ухшайди-я?

Мен кулдим. У киши ҳам маза қилиб кулди. Кейин бирдан мунглиниб қолиб:

— Сенинг қандай орзуларинг бор? — деб суради.

Вужудим жимирлашиб кетди. Ҳамон менинг орзуларимдан биронтаси ҳам ушалмаган эди.

— Э, орзу куп, ҳаёт бошқача экан, — дедим.

— Жуда тугри айтасан, — деб гапимни тасдиқлади тоғам. — Мана, мен ҳам ёшлигимдан шаҳарни қуришни орзу қилардим. Шунинг учун даданга ҳавасим ҳам келарди. Мана, келдим... Йук, шаҳар менга тугри келмас экан. Ишонасанми, менга, умуман, ҳаво етишмаяпти. Юрагим сиқилди де...

— Ҳа, энди биринчи келишингиз, — дедим.

— Йук, мен, умуман, буни тушунмайман... Нима дейишим билмайман. Мен тушунмайдиган сир-синолар шунчалик купки, бошим айланиб кетади.

Тоғам эртасига тоғли қишлоғига қайтиб кетди. Менинг унга ҳавасим келгани эсимда. Сунг: «Барибир бахтли одам, — деб уйладим. — Унинг борадиган макони бор...»

Мана бу суратдаги йигитчалар — Санжар билан мен. Санжар бизнинг синфга еттинчига кучганимизда келган, у билан ҳам анча қалин дуст булиб қолган эдим. Лекин уни ҳам бирон йилдан бери курмовдим...

Дарвоқе, адабиёт ҳам жонга

тегиб, ҳаёлга нисбатан ҳаёт азиз куринган чоғларда мен «Пиво бар»га тушиб, бир-икки кружка ичиб келардим.

Бир куни бурчакдаги столча четда утирсам, нарироқдаги бир башанг кийинган киши мени имлади. Туриб, олдига бордим. Унинг кайфи жуда баланд эди.

— Утир, — деди менга ёнидаги буш курсини курсатиб. — Нега ёлғиз утиришинг керак?

Мен кружкамни обкелгани жи-лаётувдим, қулимдан торғди.

— Утир, дедим-ку... Мана пива... — У стаканни чайиб, немис

— Эрингизнинг нима гуноҳи бор эди? — сурашда давом этдим сизлаб.

— Э, ҳар куни ишдан маст булиб келарди. Чунтагида сариқ чақасиям йук. Қолбуки такси ҳайдарди...

— Таксичилар доим рудда, қанақа қилиб шунақа ичишаркан? — яна таваккал сурадим.

— Улар ишдан кейин ичишади, — деди у билагонлик билан.

Мен унга янги эрини курсатдим.

— Бу кишиям яхшигина ичадиганга ухшайдилар?

директори, Санжарни Халқ хужалиги институтига бемалол жойлаштириб қуйган. У уқишга шу «жигулиси» билан бориб келаркан: мошинасига кириб утирганимдан кейин бу нарсаларни шунчаки тил учила айтди. Мен унинг эгни-бошига ҳам разм солдим. Устида жигаранг куртка, хотиржамлик билан сақич чайнар ва ойнадан атрофни кузатиб ҳам кетмоқда эди.

— Хуш, сенинг ишларинг қалай? — деб суради у. — Анча булди куришмаганимизга.

— Уша-уша, — дедим мен. Кейин тилимга келган гапни айтиб юбордим.

— Жинни. — Кейин у сақични тилининг учига чиқарди. — Шунинг сотиш ҳам қулингдан келмайди?

— Йук.  
— Да, Ну, ҳечқиси йук, ҳали ешсан. Лекин романтик одатларингни ташла.

— Санжар, бошқа темада гаплашайлик.

— Қаёқдан келаётган эдинг?

— Пиво баридан...

— Пиво бар... Кетдик ресторанга! Менда пул бор. Бироз утирамиз!

— Майли.

Шунда светофорда қизил чирок ёниб, мошинамиз тухтади. Тухтади-ю кук чирок ёнганда жилломлай қолди. Санжар сукиниб ташқарига чиқди. Копотни очиб, нимадир қилди. Бу орада мен нима қилишни билмаганимдан гоҳ регулировшикка, гоҳ йул четидан бизга уткир тикилиб турган қизга қарардим.

Қиз менга гамгин, хафақон туолди. Санжар қайтиб кабинага кирди.

— Аккумуляторнинг ток берадиган жойи занглаб қолган. Яқинда ҳайдаб чиқдим... Тоҳир, орқага қайтамыз. Мошина ишқал чиқариб қолади. Марказда хитлар куп. Ресторандан чиққанда, ушлаб олса... Хушми?

— Хуш Санжар, нега мошинани ҳайдамадинг? Умуман, нега кам куринасан?

— Эшитмовдингми, жигарим касал, — деди у. — Уч марта

**Жаҳонгир**

касалхонага ётиб чиқдим.  
— Уч марта?  
— Ҳа.  
— Сенга ичиш мумкинмас экан.

— Қуявер. Барибир... тузаламан. Кейин Германияга кетаман. Келишиб қуйганмиз.

Кечки пайт булгани учун қатнов зур эди. Шунинг учун ДАН инспектори чорраха уртасида туриб олиб, мошиналарни узи бошқарарди. Шу туфайли биз узок туриб қолдик.

Қарасам, ҳалиги қиз ҳамон ушандоқ мунгли тикилиб турибди. Менгами, Санжаргами — билмайман.

— Эй, Санжар, — дедим. — Анави қизни таклиф қилсак-чи, пулинг етар?

— Пулдангам ема... Қанақа қиз? А-а. — Кейин истаб-истамай деди: — Таклиф қилгини келса, бор, айт... Мен айланиб келаман. Ху, у ерга утиб туришлар.

Мен эшикни шартта очиб чиқдим-да, мошиналарга чап бериб, қизнинг олдига бордим. Хиел довдираб:

— Хафа куринасиз. Биз сал кунгил очиб учун ресторанга борапмиз. Бизга шерик булмайсизми? — дедим.

У нима деди?

— Жоним билан.

Мен чиндан ҳам унинг жонига ора киргандек туйдим узимни. Кейин йулнинг бу бетига утдик.

Кейин «Магнолия» ресторанига етдик.

Кирдик, утирдик. Лекин мени бу даргоҳга таклиф этган дустимнинг чехраси сира очилмади. Қиз билан деярли гаплашмади. Фақат жигари соппасоғдек антиқа немис пивосидан симириб, одамларни ва рақс таштаётганларни томоша қилиб утирди. Мен ҳам нокулай сезардим узимни. Қизнинг исминигина сураб билдим, холос. Дарвоқе, у ҳам деярли гапирмади.

(Давоми бор.)



пивосидан қуйди. — Ич, углим. Сениям дардинг борга ухшайсан. Парво қилма, ҳамма нарса утади.

У кишининг ёнида ёлғина қизча утирарди. Уни туйқусдан «хотиним», деб танишгирди. Кейин биллақлари устига пешонасини қуйиб қолди-ю хуррак ота бошлади.

Унинг бутун турки-таровотидан давлатнинг бир масъул маҳкамасида ишлаши билиниб турар, шу боис узидан камиди икки баравар еш қизчани «хотиним» дегани кишига эриш туюларди.

— Исмингиз нима? — деб сурадим қиздан.

— Комила, — деди у.

— Кечирасиз, ҳақиқатан ҳам шу кишининг хотинимисиз?

— А, нима, ухшамайманми? — бир қадар мийигида жилмайиб жавоб берди савол билан.

— Ахир... сиз жуда ёш экансиз-да, журъат қилиб дедим.

У қулиб юборди, кейин менга диққат билан тикилди-да:

— Узинг ёш, гудаксан ҳали, — деди. — Мен эсам битта эрдан чиқишга ум улгурдим. Мана шу одамга тегиш учун... Тушундингми, йигитча?

— Шунга қарамай менга пул олиб келади. У мени боқади. Тушуняпсанми?

— Тушундим.

— Амали бор, мошинаси, шофери. Уйда хизматкор... Тагин иккита хотини бор!

— Яхши. Бахтли экансан, — дедим. Сунг кузгалаётганим, у сураб қолди: — Телефон номерингни айт, кунгирок қиларман... Ҳой, хафа булдингми?

— Йук. Бизда телефон ишламайди, холос.

Мен бу ешгина, шадлод ва бугунги кундан бошқасига гуё тупуриб қуйган қизча... йук, хотинча ҳақида уйлаб кетдим: буларнинг ҳаётдан бошқа илинжи йукмикана?

Кейин узимнинг уйим узимга таъсир этиб кетди: «Сенинг нима илинжинг бор, Тоҳир? Уқишга киролмадинг... Бир ҳисобда узинг ҳам айбдор: мактабда берилган дарсларни қилиб ургансанг эдим... Йук сен бошқа йулдан кетдинг...»

Уша куни уйимизга етай деб қолганимда, орқамдан келаётган мошина сигнал берди.

Қарасам, уша — Санжар. Унинг отаси каттакон бир ресторанинг

**«ЎЗБЕКИСТОН ЙИЛНОМАСИ»**

Азиз укувчилар! Мамлакатимиз тарихида содир булган воқеалар йилларини топиб, шаклдаги ҳарфли хонадан марказ томон йуналиши буйича эзинг.

**Ўнгла:** У — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги эълон қилинган йил. 3 — Соҳибқирон Амир Темур Муҳаммад Тарагай таваллуд топган сана. Б — Марказий Осиёда Маҳмуд Торобий бошчилигида мугуъллар истибодига қарши қайси йили халқ кузғолони булган. Е — Республикамизда дастлабки электр станция қурилган йил. К — Мамлакатимизда «Турон» маданий-маърифий жамияти ташкил этилган сана. И — Мирзо Улугбек номидаги Давлат университетинг ташкил этилиши. С — Ўзбек тилида биринчи босма


китобнинг (Ш. Иброҳимов — «Тақвим») нашр этилиши. Т — Ўзбекистоннинг давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинган йил. О — Тошкентда Марказий Осиё спорт уйинлари утказилган йил.

Н — Юртимизда Аҳмад Яссавий йили утказилган сана.

**Чагла:** У — Мамлакатимизда автомобил ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилган йил. 3 — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган йил. Б — Ҳозирги Йулдош Охунбоев номидаги Ўзбек даълат республика Ёш томошабинлар театри иш бошлаган сана. Е — Республика қугирчоқ театри томоша курсата бошлаган йил. К — Тошкентда дастлабки темио йул вокзали қурилган ва Марказий Осиёда би-

ринчи сейсмик станцияга асос солинган йил. И — Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати-га қарши халқ кузғолони булиб утган йил. С — «Гулхан» журнали нашр этила бошлаган йил. Т — Тошкент метрополитенининг ишга туширилиши. О — Марказий Осиёда энг баланд телевизион миноранинг фойдаланишга топширилиши. Н — Ўзбекистон уз миллий валютасини муомалага киритган йил.

**Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.**



Бўш вақтларда

Топқирлик машқи

<p><b>ТОНГ ЮЛДУЗИ</b> Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси</p>	<p><b>Бош муҳаррир</b> Умида АБДУАЗИМОВА</p>	<p><b>Таҳрир хайъати:</b> Наримон ОРИФЖОНОВ, Омон МАТЖОН, Гулнора ЙЎЛДОШЕВА, Марат ШАФИЕВ, Феруза ЖАЛИЛОВА.</p>	<p>IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-0507. 7691 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Рўйхатдан ўтин тартиби № 000137</li> <li>• Мавзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.</li> <li>• Нашр кўрсаткичи: № 64563</li> <li>• Телефон: 33-44-25</li> </ul>
---	--	---	--	--